



Mas'uliyati Cheklangan Jamiyat shaklidagi AKADEMIK AUDIT

auditorlik tashkiloti

150103. Farg'ona shahar. B.Marg'inoniy ko'chasi 147. hisob raqami: 20208000504337208001
MFO: 01043 AT «Kapitalbank» Farg'ona filiali STIR: 205094982 IFUT: 69202 tel: +998916649482
web-sayt: akademik-audit.uz Email: akademik_audit@mail.ru

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Фарғона вилояти “Иссиқлик манбаи” ишлаб чиқариш давлат бошқармаси (ИНН; 200145312) бошлиғи в.в.б И.Сотволдиевга

ФИКР

Биз, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «AKADEMIK AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Ўзб. Рес. Адлия вазирлиги томонидан берилган 04.06.2004 йилдаги реестр рақами 986-сон гувоҳнома, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 01.06.2021 йилда №001-ракам билан аудиторлик ташкилотлари реестрига киритилган) директор-аудитори Султонов Маруфжон Маликович (Ўз.Рес. Молия вазирлиги томонидан 29.10.2016 йилда берилган “Buxgalterlar va Auditorlar imtihon markazi” томонидан муддати 29.10.2031 йилгача узайтирилган №05426-сонли аудиторнинг малака сертификати)лар томонидан Фарғона вилояти “Иссиқлик манбаи” ишлаб чиқариш давлат бошқармасининг 2022 йил 31 декабрга ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботи, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботи, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қондаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар Фарғона вилояти “Иссиқлик манбаи” ишлаб чиқариш давлат бошқармасининг 2022 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда молиявий ҳисоботнинг ҳаққоний акс эттирмайди.

Салбий фикр билдириш учун асослар

Аудиторлик ҳисоботида тақидланганидек, бошқарнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 14-августдаги №474-сон билан рўйхатга олинган, бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти №1-сон “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”да келтирилган тамойиллар асосида ишлаб чиқилган “ҳисоб сиёсати”ни мавжуд эмаслиги, асосий воситаларни бухгалтерия ҳисобини юритишни (БХМС 5-сон) «Асосий воситалар» ва (БХМС 4-сон) товар-моддий захиралари стандартлари талабларига мувофиқ расмийлаштирилмаслиги, меҳнат хақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишларда ноаниқликлар мавжудлиги, дебиторлик қарзлари ва кредиторлик мажбуриятлари аниқ акс эттирилмаганлиги, муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзи мавжудлиги, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тузилмаганлиги, молиявий ҳисоботнинг кўплаб элементларига жиддий таъсир кўрсатиши.

Фикр билдириш учун асослар

Биз аудитнинг халқаро стандартларига (АХС) га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича далиллари” батафсил ёритилган. Биз жамиятдан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) “Профиссионал бухгалтерлар учун ахлоқ” Кодекси талабларига ва ахлоқий қондаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексида белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Аудитнинг муҳим саволлари

Аудитнинг муҳим саволлари, бизнинг профиссионал мулоҳазамаздан келиб чиққан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган саволлардир. Ушбу саволлар умумий тарзда молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилган ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри ва молиявий ҳисобнинг халқаро стандартларга мувофиқ ҳаққоний ва ишончли тақдим этиш учун жавобгар”

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги тахминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Бошқарув ваколатига эга масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида акс эттириш. Ақлли ишонч ишончнинг юқори даражаси бўлиб, АХС ларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни кўлламиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

Фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик rischi хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик riskидан юқори, чунки фирибгар сохталаштириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;

Жамиятнинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади⁴;

Кўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;

Бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган ҳулосага келсак, аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит ҳулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.

Биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа қиламиз.

Биз шунингдек Корпаратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

Биз Корпаратив бошқарув учун масъул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан-кам ҳолларда ушбу масалаларни ошкор қилмаслик керак деган ҳулосага келамиз. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб тахмин қилиш мумкин.

Мустақил аудит ўтказган аудитор:

Аудиторлик ташкилоти раҳбари:

Фарғона шахри.

“ 17 “ май 2023 йил



М.М.Султонов

М.М. Султонов